



halol.uz

Ҳалокат кўлами

Жисму жонимизда парокандалик изларини кўрамиз; ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ касалликка чалингандай бўламиз; ишимиз юришмайди; кўзлаган мақсадимизга етаверамаймиз; дуо киламиз, илтижо киламиз, лекин қабул, ижобат бўлишига ишончимиз етмайди...

Нега? Буларнинг бир сабаби, ҳалол ва ҳаромни ажратмай, Аллоҳ ейишни ҳаром қилган нарсаларни бемалол тановул қилишга одатланиб қолганимиздан эмасмикин? Ҳазрати Пайгамбаримиз (с.а.в.): “Ҳалол лукма енглар, ҳаромга асло яқинлашманглар, чунки ҳаром лукма қориндан қирқ кунгача чиқмайди”, деганлар. Қаранг, бир лукма ҳаромнинг зарари қирқ кунгача танамиздан кетмас экан, руҳиятимизни, ахлоқимизни бузишда таъсири қанчайкин? Аллоҳдан кўрққан, танию кўнгли соф бўлишини ҳамма нарсадан аъло кўрган ота-боболаримиз оғир очарчилик замонларида, кунлари ўт-ўлан томирига қолганида ҳам ҳаромдан ҳазар қилишганини эслайлик.

Ит канака хайвон?

Таассуфки, халол нарсалар етарли бўлган айни кунларимизда, ўзи мусулмон бўлатуриб, баъзилар ҳеч тап тортмай ит ё чўчка гўштини истеъмол қилишяпти.

Баъзилар эса, янада хадларидан ошиб, бу харом қилинган хайвонларни бокиб-кўпайтириб, уларнинг сотувидан фойда кўриш, хой-хавасларини қондириш йўлига ўтиб олган. Бу ишлари билан бошқаларнинг ҳам гуноҳга ботишига, турли-туман хасталикларга чалинишига ҳисса қўшишаётганидан хабарлари бормикин? Хабарлари бўлганида ўзини зиёли ҳисоблайдиган мухандис бир кимса азим шаҳарларимиздан биридаги донги кетган ресторанда ит гўшtidан тайёрланган таом билан онасини сийлаганини дўстига айтиб мактанмаган бўларди.

Холбуки, Пайгамбаримиз (с.а.в.): “Агар сизлардан бирингизнинг идишини ит яласа, уни етти марта (катрон қилсин) ювсин”, деб буюрганлар. Зарурат бўлмай туриб ит бокишдан эса, қайтарганлар. Чунки итдан шундай касалликлар таркайдик, бу хасталиклар инсон ҳаёти учун хавфли, охир-оқибатда ўлим билан яқунланиши ҳам ҳеч гап эмас. Буни Исломдан йирок оврупалик олимлар эътироф этишган.

Олмон файласуфи Герартфентесмер “Коинот” номли олмон журналида босилган ит бокишнинг зарарлари ҳақидаги мақолада бундай деб ёзади: “Кўпчилик ит боқувчилар ўз кўллари билан ўзларини халокат чоҳига итараётганларини билмайдиганга ўхшайдилар. Чунки итларда мавжуд сектор қурти хавфли касалликни келтириб чиқаради ва кўп ҳолларда унга чалинган беморлар ўлим қанғалига тушади.

Йиртқичлардан бўри, чиябўриларда, шунингдек, чўчкаларда учрайдиган куртларнинг энг хавфлиси итларники ҳисобланади. Чунки у итларда кўриб бўлмас даражада жуда кичкина бўлади ва котиллигини яширин тарзда олиб боради. Дастлаб итнинг ичакларида кичик дончалар шаклида бўлган куртлар инсон танасига вирусини юктириши билан бутун аъзоларини емириш пайига тушади. Куртлар аввал инсон юраги ва унинг атрофини эгаллайди. Баъзан ўпка, ичаклар, буйрак, талок ва хатто бош суяклар қатигача ўрнашиб олади ва қайси аъзога ўрнашса, уни ишдан чиқаради. Аммо унинг нималигини аниқлашга, мутахассис ҳам қийналади. Унинг биргина белгиси шуки, инсон баданида сепкил сифатида кўринади...”¹

Чекка кишлокларимиздан бирида юз берган мудҳиш фожеа, анча йиллар ўтган бўлса-да, ҳа-мон хотирамдан кўтарилмайди. Кўкқисдан бир неча хонадон қутуриш қасалига йўликади. Оқибатда ушбу оилаларнинг ёстиги қуриди, уй хайвонлари қириб-ёндириб юборилди. Ҳозир у жой харобазор, қарғиш теккандек, биров яқинига йўлашга кўрқади... Аниқланишича, бир дона дайди итни тутиб, сўйиб, гўштини ўша оилалар ўртада бўлиб олишган экан...

Демак, Пайгамбаримиз (с.а.в.) итларни яқинлатмасликка, идишларни ялашига йўл қўймасликка буюрганлари, заруратсиз ит бокишни тақиблаганлари замирида улуг хикмат ётибди. Бунда умматларини кўриб бўлмас хавфдан огоҳ этиш сабоги бор.

Ифлосликларнинг тимсоли

“У (Аллох) сизларга факатгина ўлакساني, конни, тўнгиз гўштини ва Аллохдан ўзгага аталиб сўйилган нарсаларнигина харом килди” (Нахл , 115).

Тўнгизнинг турган-битгани нажосатдир. Ундай ифлос, кўланса жонивор бошка йўк. Аллох халол килган канчалаб неъмат бор бўлгани холда, емиши нажас бўлган чўчкани истеъмол килишга хозир хеч мухтожлик бормикин? Колаверса, Аллох харом этган нарсаларнинг инсон фитратига ёмон окибат келтирадиган жихатлари хам бор. Буни қачон ўйлаб кўрамиз?

Яширишнинг хожати йўк, биз билан бир хаводан нафас олаётган айрим миллатдошларимиз чўчкадан хазар килишни аллақачон унутиб юборишган. Чўчка гўштини ишлатадиган ошхоналар кўпайиб қолди, ота-бобоси чин мусулмон ўтган баъзи уддабуронлар чўчка бокиб, уни сотиб, тирикчилик юргизиш пайида. Ха, десангиз, даромад келтирадиган иш экан, дейди. «А» кишлогилик бир танишим гапириб қолди: “Битта бизнинг кишлокнинг ўзида қирк-эллик оила чўчка бокади. Кўчаларидан ўтиб бўлмайди, ховлиларига кириб қолсангиз, бадбўйлигидан нафас ололмай қоласиз. Кишлок оксоқоллари, имомлар чўчкабоқарларга неча марта танбех бериб кўришди, фойдаси йўк, қайтага даромадига кизиқиб, сафлари баттар ортиб боряпти. Холбуки, жирқанч натижаси тез орада ўзини кўрсатади...”

Немис тадқиқотчиси Хайз Хизиш Ровфиг бундан ярим аср олдин бир тажриба ўтказди. Катта-катта ўттизта идишга ок сичконларни солиб, хар хил емишлар билан, жумладан, баъзи идишлардаги сичконларни чўчка гўшти билан боқди. Маълум вақт ўтгач, чўчка гўшти бериб боқилган ок сичконлар бир-бирини ейишга тушди. Бундан ташқари, кўпи саратон касалига йўлиқди. Бошка емиш еган жониворларда на бир-бирини ейишга мойиллик, на касалликка чалиниш аломати кузатилди. Мазкур олим яна бир қанча тажрибалар ўтказиб, инсон саломатлиги учун чўчка гўштининг зарарли эканини исбот этди. Унда ҳаёт учун хавфли трихин микроби ва бактериялар борлигини аниқлади.² Бу кунларда кўпчилик азиат чекадиган хасталиклардан бири грипп эканини яхши биламиз. Унинг сабабини аксарият одамлар шамоллашга, юкувчанлигига боғлашади. Холбуки, олимларнинг аниқлашича, чўчка гўштини истеъмол килиш оқибатида танада бир вирус ўрнашиб олар, шу вирус гриппни келтириб чиқаришда асосий восита бўлар экан.

Инсонни Хазрати Инсон қилиб турган таянч нукталаридан бири унинг ор-номуслилик хиссиётидир. Юсуф Карзовий тадқиқотида чўчка гўштини истеъмол қилган сари кишида рашк қилиш туйғуси йўқолиб боришини кузатганини ёзади³. Бу хол инсон инсонлигини бой бериб қўяётганидан, тубанлик чоғига қулаётганидан дарак эмасми? Бу нарсаларни бир-биримизга тушунтирайлик. Аллох бизга инъом этган халол, покиза, тану рухимизга фойдали егуликлар қанчадан-қанча, ўшалар егулигимиз бўлсин. Аллох харом қилган нарсаларда биз билган-билмаган иллат кўп. Улардан хазар қилайлик. Улар теварагида содир бўлган ноҳуш воқеалардан ибрат олмас эканмиз, халокат кўлами кенгайиб бораверади.

Шавкатжон ВАЛИЕВ

1. Юсуф Карзовий. «Исломда халол ва харом», 134—135-бетлар.
2. Хайз Хизиш Ровфиг. «Чўчка гўшти ва саломатлик». «Шарк юлдузи» журнали, 1991 йил, 3-сон, 203—207-бетлар. Ушбу мақола ибрат учун кўчириб босилди.
3. Юсуф Карзовий. «Исломда халол ва харом», 47-бет.